

# АБУ АЛИ ИБН СИНО ТАДҚИҚОТЛАРИ АСОСИДА ЭКОКОСМЕТИК ВАННА УЧУН ЙИҒМА ТАРКИБИ, ТЕХНОЛОГИЯСИ ВА СИФАТ КЎРСАТКИЧЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ

Абдужалилова

М.М.,

Назарова

З.А.

Тошкент

фармацевтика

институту

e-mail:

agentsunnat@mail.ru

**Долзарблиги.** Бир неча асрлар давомида инсоният турли хил инфекцияларга қарши таъсирга эга бўлган ва касалликни олдини оладиган дори воситаларни ишлатиб келган. Шарқ ва Европа мамлакатларида машхур бўлган олим – Абу Али ибн Синонинг бешта қисмда ёзилган “Тиббиёт канони”

китоби дунёда кўп тилларга таржима этилган ва кенг фойдаланилган. Ибн Сино ушбу китобида 900 дан ортик доривор ўсимликлар турини, ишлатиш усулларини келтирган. Улар бугунги кунда ҳам кенг ишлатилиб келинмоқда.

Доривор ўсимлик хомашёлардан дори воситаларини олиниши кундан-кунга ошиб бормоқда ва ҳозирги вақтда улар дори препаратларининг 1/3 қисмини ташкил этади. Бугунги кунда ташхис қўйиш ва даволашнинг самарадор усулларини тиббиётда қайд этилиши, аҳолини дориларга бўлган эҳтиёжини тўлақонли қондирилиши, шунингдек, касалликларни олдини олиш бўйича сифатли чора-тадбирларни ўтказилиши масалалари узлуксиз рационал ва самарали дори воситаларини ишлатилиши билан боғлиқ [1].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасида халқ таъбиқоти ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПҚ-4668-сонли қарорида белгиланган вазифаларни амалга ошириш борасида ушбу тадқиқотларни олиб борилиши аҳамиятлидир [2].

**Мақсади:** касалликларни олдини олишда экокосметик ванна учун тинчлантирувчи таъсирга эга йиғма олиш ва унинг сифат кўрсаткичларини аниқлашдан иборат.

**Усул ва услублар.** Маҳаллий ўсимлик хомашёлари иттиканак ва тоғрайхон ер устки қисми, тирнокгул гули ва валериана илдизпоеси билан илдизидан экокосметик ваннага мўлжалланган тинчлантирувчи йиғма таркиби ва технологияси ишлаб чиқилган. Олиб борилган тадқиқотлар асосида

йиғманинг намлиги, умумий кул миқдори, хлороводород кислотасининг 10% эритмасида эримайдиган кул миқдори аниқланган ва ўсимлик хомашёлари учун МТХ ларда келтирилганлари билан

солиштириб стандартланган [3].

Физик-кимёвий кўрсаткичларидан тайёрланган йиғмада намлик ва экстрактив моддалар аниқланди. Намлиги 14% дан ошмаслиги ўрнатилди. Экстрактив моддалар миқдори сувли ва спиртли ажратмаларда хомашёдаги қуруқ миқдорга нисбатан ҳисобланади. Ушбу кўрсаткичнинг аниқланиши муҳим, чунки йиғма сувли ажратма сифатида ишлатилади. Йиғма таркибида флавоноидлар,

каротиноидлар, эфир мойлари, аскорбин кислотаси асосий компонентларини ташкил этилишини ҳисобга олиб ушбу БФМ гуруҳлари йиғмада сифат белгилари сифатида аниқланди [4]. Йиғманинг чинлигини аниқлашда адабиётларда маълум бўлган сифат реакцияларидан фойдаланилди.

**Натижалар.** Экокосметик ванна учун мўлжалланган йиғманинг асосий кўрсаткичларидан хомашёнинг намлиги ва экстрактив моддалар XI ДФ сида келтирилган усулларда аниқланди. Йиғманинг чинлиги сифат реакциялари: 2% алюминий хлориднинг 95% спиртдаги эритмаси билан флавоноидлар; темир аммонийли эритма билан полифеноллар; йиғманинг хлороформи эритмасига сурма (III) хлориди қўшилганда яшил-кўк ранг ҳосил бўлиб, каротиноидлар борлиги тасдиқланди.

**Хулоса.** Экокосметик ванна учун мўлжалланган тинчлантирувчи йиғманинг рационал таркиби, технологияси ишлаб чиқилди. Физик-кимёвий кўрсаткичларидан йиғма намлиги 14% дан кам бўлмаслиги ва XI ДФ да келтирилган усулда экстрактив моддалари олинди. Йиғманинг чинлиги сифат реакцияларидан фойдаланган холда аниқланди.

## Адабиётлар:

1. Соколов С.Я., Замотаев И.П. Справочник по лекарственным растениям – М.: Медицина, 1984. – 464 с.
2. ПҚ-4668-сонли 10.04.2020 йилдаги ЎзР Президентининг қарори.
3. Федосов А.И., Кисличенко В.С. Разработка состава, технологии и фитохимическое исследование желудочного сбора // Матер. Респ. научно-практ. конф. (с международным участием), Ташкент,

2014.

–

с.236-238.

4. Назарова З.А., Абдужалилова М.М. Технология сбора на основе лекарственного растительного сырья для экокосметической ванны // Матер. международной научно-практ. конф. “Современная фармация: новые подходы в образовании и актуальные исследования”, приуроченной к 30-летию независимости Республики Казахстан. Нур-Султан, 2021. – с.83-84.